



## МАТН МАЗМУНИНИНГ АКТУАЛ БЎЛИНИШИ

*Гафарова Зумрад Зоҳиржоновна,  
ТИҚХММИ Бухоро филиали катта ўқитувчиси*

**Калит сўзлар:** *актуал бўлиниш, нутқий тузилма, тема ва рема, гап, матн, грамматик категория.*

Матн тузилиши таҳлилининг навбатдаги тамойили ўз пайтида чех тилшуноси Ф.Даниш томонидан истеъмолга киритилган лисоний бирликларнинг уч поғонали фаоллашуви ҳақидаги ақидага асосланади. Бу поғоналарни олим гапнинг грамматик тузилиши, “семантик тузилиши” ва “нутқий тузилманинг актуал таркибланиши” деб атаган эди (Danes 1966). Кейинчалик, гапнинг актуал бўлиниши ғоясини олға сурган В.Матезиус ушбу ходиса гапнинг аниқ контекстдан ўрин олишини акс эттиришини қайд этди (Матезиус 1967:239). Инглиз олими М.Ҳаллидей эса, актуал бўлинишни “функционал перспектива” термини билан атайди ва уни матн ҳосил қилувчи ҳодиса деб қарайди (Ҳаллидей 1978:139). Гап таркибининг тема ва рема қисмларига ажратилиши матн бўлакларининг боғлиқлиги турларини фарқлашга имкон беради. Рема – тематик тузилманинг матндаги ҳаракати матн динамикаси, ривожининг манбасидир ва бунда тема қисмларни боғласа, рема янги ахборотни тақдим этади. Немис олими М.Пфютце таҳмин қилганидек, тема ва рема узвларининг ўзаро муносабати коммуникация давом этишига асос тайёрлайди (Пфютце 1978:237).

Матннинг мазмуний яхлитлиги борасида фикр юритган психолингвист А.А.Леонтьевнинг таъбирича, “яхлитлик ходисасининг моҳиятини нутқий тузилмалар дастурининг иерархик (поғонали) тартиботи тузади” (Леонтьев 2003:136). Бундай поғонали тартибот гапларнинг нисбатан тугалланган мазмуний бутунликларга бирлашишига олиб келади. Ушбу мазмуний бутунликлар, худди алоҳида Л.В.Сахарный айтганидек, матннинг яхлитлиги мазмуний

бўлакларнинг поғонали тартиботи билан белгиланади. Ушбу бўлаклар ўртасида тема–рема муносабатлари юзага келади ва бу муносабат доирасида юқори поғонадаги яхлитлик кичик яхлитликлар учун тема ролини бажаради (Сахарный 1994:7; Мурзин, Штерн 1991).

Мисол тариқасида америкалик ёзувчи Амброз Бирсинг An Occurrence at Owe Bridge номли ҳикояси матнини оламыз. Ҳикояда баён қилинаётган воқеа АҚШда шимолликлар ва жанубликлар уруши пайтида кечган. Ҳикоя қаҳрамони Пейтон Факуэр урушда иштирок этмаган бўлса–да, ўз хамюртларига (жанубликларга) ёрдам беришни истайди ва бу истак уни дорга олиб келади.

Айтиш лозимки, ҳикоя матнни тузилиш жиҳатидан уч қисмга ажратади. Биринчи қисмда кўпроқ атрофдаги жой, воқеа томошабинлари тасвирланади. Иккинчиси эса Пейтон Факуэрни дорга етаклаган воқеа баёнидан иборат. Учинчи қисм дорга осилган шахснинг жисмоний азоблари ва ўлими ҳақида хабар беради.

Ҳикоя матнидаги биринчи A man stood upon a bridge, looking down into the swift water гапидаги ноаниқлик белгиси кейинги гапларда йўқолишини айтдик:

The man’s hands were behind his back, the wrists bound with a cord. A rope closely encircled his neck. It was attached to a stout cross – timber above his head.

Ушбу парчанинг боғлиқлиги семантик ва грамматик кўрсаткичларга эга: ноаниқ ва аниқ артикларнинг ўрин алмашинуви тема (баён предмети)ни аниқлаштириш билан биргаликда, гаплар кетма–кетлигини таъминлайди.

Худди шу вазифани такрорланаётган his олмоши ҳам бажаради.

Матн парчасида тема билан биргаликда “Предмет ҳақида нима маълум



килинмоқда?” саволига жавоб бўладиган рема ҳам киритилмоқда. Рема теманинг умумий хусусият, кўрсаткичларини жамлайди: A man stood upon a rail-read bridge his hands were behind his back, the wrists bound with a cord. A rope closely encircled his neck.

Мазкур матндаги The man's hands were bound with a cord. A rope closely encircled his neck мажхул даража шаклидаги тузилмаларнинг асосий вазифаси яна бир баён предметини, яъни қатл ташаббускорлари ва ижрочилари ҳақидаги маълумотни тайёрлашга хизмат қилади. Бу шахслар executioners бирлиги воситасида номланган. Қатл ташаббускорлари—executioners ва жабрдийда - a man бир макон худудиди тасвирланибгина қолмасдан (Some loose boards laid upon the sleepers supporting the metals of the railway supplied a footing for him and his executioners) балки семантик қарама-қаршиликни (жабрдийда ва унинг қотиллари) ҳосил қилади. Ушбу оппозиция аъзоларининг боғлиқлигига жисмоний таъсир семаси ҳам ишора қилади ва бунда биринчиси таъсир объекти бўлса, иккинчиси—унинг субъектидир. Худди шу маъновий фарқ феъл шаклларида ҳам ифода топади: a man stood..., a sentinel stood..., a lieutenant stood..., was an office. Бу ерда феъл ҳаракатни эмас, балки мавжудлик, бирор бир ҳолатда бўлишни кўрсатмоқда.

Ҳикоя матнининг иккинчи қисмида (тўлиқ абзац) ҳикоя персонажи қатл этилган кўприк атрофи тасвирланган. Тасвир бирмунча батафсил бажарилган, у худди муаллиф олдин кўрган видеотасвирга ўхшайди. Бундай батафсилликни воқелантирувчи лисоний элементлар асосан макон маъносини ифодаловчи тузилмалардир: beyond one of sentienels, straight away into a forest, farther along, midway of the slope between the bridge and fort, the other bank of the stream, etc.

Бундан ташқари, муаллиф воқеа-ҳодисалар тасвирида уларнинг воқеликда эгаллаб турган ўрни тартиботини сақлашга ҳаракат қилган ва бунинг билан баён

матнига янги темани сингдиришга эришган. Қиёсланг: Midway of the slope between the bridge and fort were the spectators – a single company of infantry in line, at parade rest. A lieutenant stood at the right of the line. The company faced the bridge, staring stonily, motionless. The sentinels, facing the bans of the stream, might have been statues to adorne the bridge. The captain stood with folded arms, silent.

Иккинчи абзац умумлаштириш хусусиятига эга бўлган гап билан якунланади: Death is a dignitary who when he comes announced is to be received with formal manifestation of respect even those most familiar with him.

Ушбу гап икки хил мақсад ва мўлжалга эга. У даставвал, матннинг грамматик шаклига келмайди (ўтган замон контекстида ҳозирги замон шакли қўлланган) ва қандайдир бошқа гаплардан ажралиб туради. Лекин, бу гапнинг киритилиши матн мазмунида сезиларли ўзгариш юзага келишига сабаб туғдиради. Мавҳум death отининг жонли ҳаракат маъносига эга предикат ҳамроҳлигида қўлланиши ўзига хос бадий ифода воситасидир. Стилистик амалларнинг жорийланиши гапнинг матн таркибида етакчи ўринга чиқишига сабаб бўлади ва ўқувчининг диққатини жалб қилади.

Маълумки, борлиқдаги нарса-ҳодисалар қандайдир муносабатлар орқали ўзаро боғлиқликда бўлади ва шу муносабатлар турли хусусиятларни пайдо қилади. Бадий тасвирда ҳам хусусиятларнинг турли-туманлигини сақлаб қолиш муҳимдир. Узатилаётган ахборотнинг мақсади ва мазмунига мос равишда ягона бир объект турлича идрок қилиниши ва тавсифланиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, турлича номланишга олиб келади. Иккиламчи ёки такрорий номланиш мулоқот муҳитида турлича вазифаларни бажаради. Кейинги абзацдаги The man who was engaged in being hanged гапи олдинги контексти боғлиқ ҳолда шакллантирилган. Ушбу иккиламчи номлаш воситаси, аслида, ахборот узатиш жиҳатидан ортиқча, чунки у ҳеч қандай янги маълумотни етказмайди. Лекин, у



олдинги ва кейинги контекстларни боғловчи вазифасини ўтайди. Унинг мазмуни, бир томондан, ўқувчига аллақачон маълум бўлган ахборотга ишора қилса, иккинчи томондан, кишини персонажларнинг бошқа хусусиятлари ҳақида маълумот қабул қилишга тайёрлайди: *The liberal military code makes provisions for hanging many kinds of persons, and gentle men are not excluded.*

Демак, воқеа баёни матнга янги предмет–*military code* киритилмоқда. Қатлнинг аёл ташаббускори ҳақидаги маълумот ва *makes provision* хусусиятининг таъкидланиши асосий хулосани яқинлаштиради: ўлимдан ва ҳарбий қонуният оқибатидан қочиб бўлмайди.

Ниҳоят, қатлга тайёргарлик тугади, ҳамма ҳаракатда ва охириги дақиқаларни кутмоқда. Яна бир иккиламчи номлаш–*the condemned man* ибрасининг қўлланиши ўлимга маҳкум шахснинг ҳолатидан унинг бошқалардан ажралиб қолишидан хабар беради. Анафорик *he* элементи эса таркибида аниқловчи катнашаётган номинатив ибора билан алмаштирилади: *the doomed man's brain*.

Бу ерда сиртдан вазифаси аниқловчи бўлиб кўринаётган *doomed* моҳиятан предикатдир. Бу предикат бутун матн давомида, *death* ва *military code* аргументлари киритилиши воситасида, мантиқан шаклланиб келаётган эди. Сержантнинг ҳаракати ҳақида хабар берадиган *The sergeant stepped away* гапи билан сюжет ўз чўққисига чиқади, аммо, бунинг билан матн тугалланганлик хусусиятига эга бўла олмайди. Шу боис, ҳикоя давом этади, атрофдаги муҳит оламни тарк этган инсон тасаввурида тасвирланади.

Диалогик матн тематик тузилишини аниқлаш ушбу матнларни турларга ажратиш учун зарур. Бинобарин, диалог баҳс функционал гуруҳига оид бўлса, унинг тузилиши шу мундарижага мос келади. Диалог мазмуннинг актуал бўлиниши тахлили учун тема ва рема бўлақлари ажратиш амалларига мурожаат

T1 – R1



T1 – R1



қилганимиз маъқул. Маълумки, синтактик ва семантик жиҳатдан тугалланган энг кичик матн бирлиги - гап кўринишидаги нутқий тузилмадир. Агарда кўшни турган гапларнинг мавзуси бир–бирига яқин бўлса, унда янада юқори бочқичдаги бирлик–матн парчасининг темаси аниқ намоён бўлади. Масалан, (гаплар тартибини рақамлар билан белгилаймиз):

(1) “What are you, anyway?”  
Hawk Said as we walked home.

(2) “Even the teaching can’t pronounce your name”.

(3) “I am American”, I Said.

(4) “The hell you are”. (5) “Roy’s Italian, I’m Syrian, and guess you’re Armenian”.

(5) “Sure, I’m Armenian all right, but I’m American, too. (6) I speak better English than I do Armenian”

(6) “I can’t talk Syrian at all but that’s what I am. (8) If anybody asks you what you are, for God’s sake don’t tell you’re American. (8) Tell them you’re Armenian”. (Saroyan. Selected Short Stories, p. 245-246).


Ушбу диалог мазмуний тузилишини уни ташкил қилувчи гапларнинг тематик боғлиқлиги нуқтаи назаридан тахлил қиладиган бўлсак, мазкур гаплар қатори ягона мавзу доирасидаги суҳбатнинг баёнини ифодалаш учун хизмат қилаётганини кўраимиз. Юқорида эслатилганидек, Ф.Данеш гапларнинг матн таркибидаги бу хил боғланишини “тематик прогрессия”, яъни мавзу ривожини атамаси билан номлаган эди (Danes 1977).

Диалогик нутқда мавзунинг ривожини нутқий тузилманинг тема ва рема қисмларида ахборотнинг асосига ишора қилувчи элементнинг такрорланишида намоён бўлади. Худди шу такрор сарҳадида алоҳида мавзуий бўлақлар ажралиши кутилади. Буни биз юқорида келтирилган диалог матнининг рема– тема тузилишининг чизма тасвирида ҳам кўраимиз:

T2 – R2



T6 – R6



Мавзунинг узлуксиз ривожини таъминлаётган қисмлар ўртасидаги алоқа, одатда “кучли алоқа” сифатида тавсифланса, суҳбатдошлардан бирининг мавзудан четга чиқиши ёки уни ўзгартиришга интилиши натижасида юзага келадиган қисмлар ўртасидаги алоқа "кучсиз" сифатини олади (Геплицкая, 1984: 65). Жумладан, қуйидаги диалогларни қиёслайлик:

А) – Do you know anything about books?

- Yes, sir, I’m a good book – keeper.

- Holy moses! Our job, is getting rid of them. My firm are publishers (Galsworthy. The White Monkey, p. 197)

Ушбу диалог матндаги Our job is getting rid of them ва my firm are publishers ўзаро сабаб–оқибат муносабати орқали боғланган, чунки нашриётнинг вазифага китоб чоп этишдан ташқари, уни тарқатиш ҳам киради.

Б) - I’m getting a little high already.

- Champagne works fast (Roger. The Pursuit of Happiness, p.113).

Бу диалогда иштирок этаётган нутқий тузилмалар ўртасидаги алоқани “кучли” сифатида баҳолаш мумкин. Чунки жавоб репликасини It’s because champagne

works fast кўринишида баён этишнинг имкони бор. Олдинги I’m getting a leetle high already гапи эса бажарилган ҳаракат фаолиятнинг натижасини кўрсатади. Навбатдаги диалог реплика–қисмлари ўртасидаги алоқа “кучсиз” кўринади, чунки улар ўртасидаги мантиқий–мазмуний боғлиқлик шаклан ифода топмаган:

- Christ, Margot, you look wonderful!

- Tony, your language! This is a cathedral city (Barlow. The Patriots, p. 308).

Юқорида келтирилган алоқа турлари ва уларнинг чизмали тасвири ҳар ҳолда доимий турғунликда тура олмайди. Улар нутқий мулоқот вазияти, суҳбатдошлар кўзлаётган мақсадга боғлиқ равишда ўз кўринишини ўзгартириб туриши мумкин. Ҳатто, қўшни нутқий тузилмаларнинг тема ва рема муносабати бир–бирини такрорламаса–да, лекин, умумий бўлакка, эга бўлади. Тема–рема муносабатининг мураккаблашуви, айниқса, диалог матни таркибий қисмлари бир–бири билан бир нечта алоқалар воситасида боғланганида аниқ кўриниш олади.

#### Адабиётлар:

1. Danes F. Functional Sentence Perspective in the organization of the Text.// Functional Sentence Perspective.- Prague, 1974.

2. Халидей Т.А.К. Место функциональной перспективы предложения (ФПП) в системе лингвистического описания. В кН.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. VIII. – М.: Прогресс.



3. Пфютце М. Грамматика и лингвистика текста. – В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. VIII. – М.: Прогресс.
4. Леонтьев А.А. Основы психолингвистики. – М.: Смысл, 2003.
5. Сахарный Л.В. Человек и текст: две грамматики текста // Человек. Текст. Культура. – Екатеринбург, 1994.
6. Мурзин Л.Н. Штерн А.С. Текст и его восприятие. – Свердловск: Изд-во Уральского у-та, 1991.
7. Danes F. Functional Sentence Perspective in the organization of the Text.// Functional Sentence Perspective.- Prague, 1974.
8. Теплицкая Н.И. Диалог с позиции теории актуального членения // Филологические науки, 1984. № 4.
9. Galsworthy J. The white Monkey. – L.Penguin Books, 1984.
10. Roger T. The Pursuit of Happiness. – N.Y.:Gardon City, 1995.
11. Barlow J. The Patriots. N. – Y.: Harmondsworth, 1990.

**Гафарова З. Актуальное членение значения текста.** В данном исследовании теория о дуальной коммуникативной структуре речевой композиции является наиболее рациональной и перспективной для анализа актуального членения. Коммуникативная часть - тема и рема - образуют неразрушимую единицу, составляющую основу формирования и передачи сообщения, и они должны описываться в соответствии с этим признаком. Тема рассматривается как субъект выражения.

**Gafarova Z. Actual division of text meaning.** In this study, the theory that the speech composition has a dual communicative structure is the most rational and promising for the analysis of the actual division. Both the communicative part - the theme and the rheme - form an indestructible unit, forming the basis of the formation and transmission of the message, and they must be described according to this feature. The theme is seen as the subject of the expression.